

№ 22110012111748

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 10

Бухоро шахри

“13” июль 2022 й.

“BEST SERVICE BUKHARA” МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбари Ш.Хайдарова номидан, бир томондан ва Бухоро туман БУСМ, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг устави, асосида иш юритувчи Ш.Очилов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Бумага А4	пачка	20	60000	1 200 000
2					
	Жами				1 200 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати 31-июль 2022 йилгача.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 1 200 000 (Бир миллион икки юз минг) сўм 00 тийинни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 360000 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июль ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 840000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 31 июлгача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан қақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ


- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган тайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
 - 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва суйидаги миқдорда жарима тўлайди:



3.2. Товарни тулик тошширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тошширилмаган товар қийматининг 0,3 % миқдорида неустойка тўлайди.

3.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

3.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош гортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

3.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан теня тўлайди.

3.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

3.1. Мазкур шартнома 2022 йил «13» июлдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

3.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

3.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

· томонларнинг келишувига мувофиқ;

· Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

· Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистан Республикаси бюджет кодекси 122-моддаси ҳамда Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар(ишлар,хизматлар)етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

3.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

3.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

3.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, селишиш имкони бўлмаганда эса ҳудудий Иқтисодий судлар орқали ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

3.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«BEST SERVICE BUKHARA» МЧЖ

Манзили: Мустақиллик куч 71-уй

Гел/факс: 91 412-04-01

ҚР: 20208000105466532001

ИНН: 309089824 ОКОНХ:

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Бухоро вилоят БУСМ

Манзили: Работ қантон марфи

Тел/факс: 65-54-54-118

ш-х/в: 400122860062077083610245001

ИНН: 204142066 ОКОНХ: 81700

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк

Тошкент ш ХККМ.

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар: Мамат Оқиллов

М.Ў.

Банк номи: Кичикон Қурилиш

МФО: 01039

Раҳбар: Ш Хайдарова

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): Муратов Хайрулло

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: Диплом № 815246 ОТ 30.08.1982

Вкпная межцезейская школа при МБОУ ССЕР (г. Поводар)

